

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
**ҚАРОРИ**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**  
ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “ 23 ” май №ПҚ-4331 “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20 г.

**Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар)нинг Ўзбекистонга оид қисмлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий сиёсатини амалга ошириш, хорижий инвестициялар ва илғор технологияларни жалб қилиш, маҳаллий товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмларини ошириш, хорижий мамлакатлардан туристик оқимни жалб қилиш, республиканинг транспорт-транзит имкониятларини кенгайтириш масалаларида давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг идоралараро мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик тизимини самарали ташкил этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар)нинг (кейинги ўринларда – ҳукуматлараро комиссиялар) Ўзбекистонга оид қисмлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик қисмидаги фаолиятнинг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

**а) ҳукуматлараро комиссиялар:**

савдо ҳамкорлигини ривожлантириш, маҳаллий экспортёрлар учун хорижий мамлакатларда қулай савдо режимларини шакллантириш, шу жумладан савдо тўсиқларини олиб ташлаш ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик, молиявий-техник, илмий-техник, туристик ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамда бошқа устувор йўналишларда икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш;

ташқи иқтисодий фаолиятда маҳаллий иштирокчилар томонидан амалга оширилаётган ташқи савдо ва инвестициявий лойиҳаларни илгари суриш ва қўллаб-қувватлаш;

олий ва юқори даражадаги ташрифлар чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича масъул вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг комплекс масалаларини ҳал қилиш ва мувофиқлаштириш;

иммиграция, шу жумладан меҳнат миграцияси бўйича муаммоли масалаларни ҳал қилиш;

хорижий мамлакатлар билан икки томонлама ҳамкорлик ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда икки томонлама шартномалар ва битимларнинг бажарилишини таъминлаш;

хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни самарали йўлга қўйиш ва ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ва такомиллаштириш;

**б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:**

ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон томонидан ҳукуматлараро комиссиялар ҳамраислари даражаси бўйича таклифлар киритиш;

ҳукуматлараро комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги томонидан якуний баённомалар ва қабул қилинаётган “йўл хариталари”ни амалга оширишнинг бориши тўғрисида тақдим этиладиган маълумотларни умумлаштириш;

ҳукуматлараро комиссиялар, ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари ҳамраислари ва аъзолари фаолиятининг натижадорлиги ва самарадорлигини, шунингдек, улар томонидан тасдиқланган иш режаларининг бажарилишини таҳлил қилиш;

ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари ҳамраислари ва аъзолари фаолиятини тасдиқланган самарадорлик ва натижадорлик мезонлари бўйича баҳолаш натижалари асосида уларни моддий рағбатлантириш ва интизомий чораларни кўриш;

**в) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:**

хорижий томон билан тадбирларни ўтказиш муддатлари, хорижий делегациялар таркибини, чора-тадбирлар сценарийлари, кун тартиби лойиҳаларини, йиғилиш баёнлари ва имзога тайёрланган икки томонлама ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ва келишилишини таъминлаш, шунингдек, ташкилий-баённома тусидаги барча масалаларни ҳал қилиш;

ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмларининг кун тартибларини, якуний баённомалар, иш таркиби ва жадвалларини шакллантириш;

вазирликлар ва идораларнинг хорижий мамлакатлар билан сиёсий, илмий-техник, туристик ва маданий-гуманитар ҳамкорлиги қисмидаги, шунингдек, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасаларидаги ҳукуматлараро комиссиялар йиғилишлари доирасидаги савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари ҳамраисига йиғилишларни ўтказиш учун зарур бўлган материаллар тўпламини (ахборот маълумотномалари, суҳбатлар ва чиқишларга тезислар лойиҳаларини ва бошқаларни) киритиш;

ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари котибияти функцияларини бажариш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланадиган ҳар йилги ҳукуматлараро комиссиялар йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича иш режалари амалга оширилишининг боришини мониторинг қилиш;

ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари аъзоларини рағбатлантириш ёки интизомий чоралар кўриш бўйича таклифлар билан бирга ҳукуматлараро комиссиялар йиғилишлари яқунлари юзасидан эришилган келишувлар ижроси ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар чорақда сиёсий, илмий-техник ва маданий-гуманитар ҳамкорлик бўйича ҳисоботларни киритиш;

**г) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги:**

вазирликлар ва идораларнинг инвестициялар, илғор технологияларни жалб қилиш, шунингдек, ҳукуматлараро комиссиялар йиғилишлари доирасида маҳаллий товарлар ва хизматлар номенклатураси ва экспорт ҳажмларини кенгайтириш фаолиятини мувофиқлаштириш;

ҳукуматлараро комиссияларнинг савдо-иқтисодий, инвестициявий, банк-молия, транспорт-логистика, саноат-технологик ва техник ҳамкорлик қисмидаги йиғилишлари кун тартиби ва таркиби бўйича таклифлар тайёрлаш;

ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари аъзоларини рағбатлантириш ёки интизомий чоралар кўриш бўйича таклифлар билан бирга ҳукуматлараро комиссиялар йиғилишлари яқунлари юзасидан эришилган келишувлар ижроси ҳолати тўғрисида савдо-иқтисодий, инвестициявий, банк-молия, саноат-технологик ва техник ҳамкорлик бўйича ҳисоботларни ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш ва умумлаштириш учун Ташқи ишлар вазирлигига жўнатиш;

ҳукуматлараро комиссиялар йиғилишлари доирасида хорижий ҳамкор-мамлакатлар билан икки томонлама бизнес-форумларни мажбурий тарзда ўтказиш масалаларини тайёрлаш;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳукуматлараро комиссиялар йиғилишлари давомида имзоланган учун қатъий савдо-инвестициявий келишувлар ва шартномалар рўйхатини ишлаб чиқишни таъминлаш;

Комиссиялар йиғилишларининг самарадорлигини ошириш ва натижадорлигини таъминлаш мақсадида Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда хорижий ҳамкор-мамлакатлар билан (алоқадор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган шартномалар ва келишувлар асосида) ҳукуматлараро комиссиялар йиғилишлари ўтказилишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар ва асосларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

ҳукуматлараро комиссияларнинг якуний баённомаларига киритиш учун Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатлари ва устуворликларини илгари суришга йўналтирилган аниқ таклифларни ишлаб чиқиш;

аниқ инвестициявий лойиҳалар ва савдо шартномаларини амалга ошириш бўйича битимлар ва келишувларни ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш ва ҳукуматлараро комиссиялар йиғилишлари доирасида имзолашга тайёрлаш;

**д) Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасалари:**

ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмларига хорижий муассаса бўлган мамлакатда йиғилишлар ўтказилишида, улар якунлари бўйича аниқ келишувларга эришишда, шунингдек, уларнинг мониторинги ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш борасида амалий ёрдам кўрсатиш;

ҳукуматлараро комиссиялар кун тартиби ва якуний баённомаларига киритиш учун аниқ таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатлари ва устуворликларини илгари суришга йўналтирилган келишувлар ва савдо-инвестициявий шартномаларни ишлаб чиқиш;

хорижий муассаса томонидан амалга оширилган ишлар ва хорижий ҳамкорлардан келиб тушган маълумотлар таҳлили асосида, эришилган келишувларни амалга ошириш ҳолати тўғрисида ҳар чоракда ҳисоботлар тайёрлаш;

аниқ лойиҳалар, дастурлар ва келишувларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда ташриф буюриладиган давлатлар билан амалий ҳамкорлик қилиш;

ташриф буюриладиган мамлакат иқтисодий конъюнктураси ва бозорларининг ривожланиш динамикасини таҳлил қилиш орқали экспортни илгари суриш, инвестицияларни жалб қилиш ва туризмни ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

ташқи иқтисодий вазифаларни ҳал этиш мақсадида давлатлараро ҳамкорлик муносабатларини, шу жумладан ташриф буюриладиган мамлакатнинг ишбилармон доиралари билан узвий алоқаларни ўрнатиш ва салоҳиятли ҳамкорларнинг алоқа базасини кенгайтириш орқали мустаҳкамлаш;

республиканинг экспорт, инвестициявий ва туристик салоҳияти ҳақидаги маълумотларни тарқатиш, шунингдек, мамлакатнинг ижобий имижини ва унинг халқаро рейтинглардаги ўрнини мустаҳкамлаш чораларини кўриш;

**е) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси** – ҳукуматлараро комиссиялар йиғилишлари якунлари бўйича тасдиқланган баённомалар ва “йўл хариталарида” кўрсатилган тадбирларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини ташкил қилиш ва назоратини амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Халқаро ҳамкорлик бўлимига қўшимча 3 та штат бирлиги киритилсин.

### 3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар)нинг Ўзбекистонга оид қисмлари раислари ва раис ўринбосарлари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар)нинг Ўзбекистонга оид қисмлари тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан савдо-иқтисодий, инвестициявий ва туристик ҳамкорлик масалалари бўйича идоралараро мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

### 4. Белгилаб қўйилсинки:

ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари таркиби Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланади;

ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари таркибига мажбурий тартибда Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги вакиллари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси масъул ходимлари киритилади;

2019 йил 1 июлдан ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари ҳамраислари ва аъзоларига нисбатан, улар фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг лавозим маошининг 50 фоизигача бўлган миқдорда моддий рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби жорий этилади.

5. Қуйидагилар ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари этиб белгилансин:

хорижий ҳукуматлар билан мавжуд масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган келишувлар сони;

ҳисобот даврида ўтказилган “бизнес форумлар” доирасида жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми;

ҳисобот даврида ўтказилган “бизнес форумлар” доирасида тузилган экспорт контрактлари ҳажми;

олий ва юқори даражадаги ташрифлар чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича комплекс масалаларнинг ҳал қилиниши.

### 6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

ҳукуматлараро комиссиялар йиғилишларини ўтказиш жадвалини;

ҳар бир мамлакат билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, республиканинг манфаатлари ва ташқи иқтисодий устуворликларини илгари суриш, шунингдек, инвестицияларни жалб қилиш, экспортни ва туристик

салоҳиятни илгари суриш бўйича аниқ келишувлар ва битимлар имзолаш масаласини кўриб чиқишга қаратилган амалий таклифлар ва чора-тадбирларни белгилаган ҳолда ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари батафсил иш режаларини;

ҳукуматлараро комиссиялар кесимида баҳолаш мезонларининг бошланғич қийматларини назарда тутган ҳолда ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари ҳамраислари ва аъзоларини моддий рағбатлантириш ва жавобгарлигини ошириш мақсадида уларнинг фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари фаолияти самарадорлигини ва натижадорлигини баҳолаган ҳолда улар иш режалари бажарилишининг боришини ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида кўриб чиқилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ–4136-сон қарорига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикаси билан хорижий мамлакатлар ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар)нинг ўзбек қисмлари таркибларини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ–3470-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ташқи ишлар вазирлиги бир ой муддатда конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича  
ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар)нинг Ўзбекистонга оид қисмлари  
раислари ва раис ўринбосарлари  
РЎЙХАТИ**

| Т/р | Тадбир номи  | Ўзбекистонга оид қисми раиси     | Ўзбекистонга оид қисми раиси ўринбосари  |
|-----|--|----------------------------------|--|
| 1.  | Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма комиссия                    | <b>Бош вазир<br/>А.Н. Арипов</b> | Б. Асадов – Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавкулудда ва Мухтор Элчиси<br>Б. Ходжаев – иктисодиёт ва саноат вазири<br>И. Неъматов – ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари  |
|     | Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия |                                  | С. Ниязходжаев – Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон Республикасидаги Фавкулудда ва Мухтор Элчиси<br>С. Бекенов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари<br>И. Неъматов – ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари |
|     | Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида савдо-иктисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия      |                                  | Э. Шаисматов – Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикасидаги Фавкулудда ва Мухтор Элчиси<br>Б. Ходжаев – иктисодиёт ва саноат вазири<br>И. Неъматов – ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари                                  |
|     | Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўмита                        |                                  | Б. Саидов – Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги Фавкулудда ва Мухтор Элчиси<br>С. Умурзоқов – инвестициялар ва ташқи савдо вазири<br>Д. Ахатов – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари                                     |
|     | Германия-Ўзбекистон ишбилармонлик кенгаши  |                                  | Н. Касимов – Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавкулудда ва Мухтор Элчиси<br>Р. Гулямов – иктисодиёт ва саноат вазирининг биринчи ўринбосари<br>Д. Ахатов – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари               |
|     | Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия      |                                  | К. Рашидов – Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистон Республикасидаги Фавкулудда ва Мухтор Элчиси<br>С. Саифназаров – иктисодиёт ва саноат вазирининг ўринбосари<br>И. Неъматов – ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари                |

|    |  |  |  |
|----|--|--|--|
| 2. | Ўзбекистон Республикаси ва Эрон Ислом Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техник ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия                        | <b>Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов</b> | Б. Абдуллаев – Ўзбекистон Республикасининг Эрон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>Ш. Вафаев – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари лавозим бўйича – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари                |
|    | Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техник ва маданий-гуманитар ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия |  | А. Кучкаров – Ўзбекистон Республикасининг Туркменистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>Л. Кудратов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари<br>И. Неъматов – ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари     |
|    | Ўзбекистон Республикаси ва Грузия ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия   |  | Ш. Файзиев – Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>С. Бекенов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари<br>И. Неъматов – ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари |
|    | Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси ўртасида иқтисодий, саноат ва илмий-техник ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия                        |  | лавозим бўйича – Ўзбекистон Республикасининг Латвия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>Б. Абидов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари<br>Д. Ахатов – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари                    |
| 3. | Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Британия Кенгаши ССЎБК   | <b>Бош вазир ўринбосари Э.М. Ганиев</b>              | А. Шайхов – Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>С. Умурзоқов инвестициялар ва ташқи савдо вазири лавозим бўйича – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари   |
|    | Америка-Ўзбекистон савдо палатаси  |  | Ж. Вахабов – Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>Л. Кудратов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари лавозим бўйича – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари                                    |
|    | "Ўзбекистон-ЕИ" ҳамкорлик кўмитаси   |  | Д. Хақимов – Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқидаги ваколатхонаси раҳбари<br>Б. Абидов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари<br>Д. Ахатов – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари                                  |
|    | Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро кўшма кўмита                                       |  | В. Фен – Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>Л. Кудратов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари лавозим бўйича – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари                         |



|    |   |  |   |
|----|---|--|---|
|    | Ўзбекистон Республикаси ва Испания Қироллиги ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия                 |  | Ж. Ганиев – Ўзбекистон Республикасининг Испания Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>А. Абдуалиев – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари<br>Д. Ахатов – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари             |
|    | Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия              |  | С. Рустамбаев – Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>С. Умурзоқов – инвестициялар ва ташқи савдо вазири<br>Д. Ахатов – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари                             |
|    | Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон қўмитаси  |  | Г. Фазилов – Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>Л. Кудратов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари лавозим бўйича – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари                              |
|    | Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия               |  | А. Агзамходжаев – Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>С. Бекенов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари<br>Д. Ахатов – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари       |
|    | Ўзбекистон Республикаси ва Уммон Султонлиги ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия                  |  | А. Абдухалимов – Ўзбекистон Республикасининг Уммон Султонлигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>Ш. Вафаев – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари лавозим бўйича – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари                  |
|    | Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия              |  | Н. Юсупов – Ўзбекистон Республикасининг Беларусь Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>С. Бекенов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари<br>И. Неъматов – ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари |
| 4. | Ўзбекистон Республикаси ва Таиланд Қироллиги ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия | <b>Бош вазир ўринбосари</b><br><b>А.А. Абдухакимов</b> | А. Алиев – Ўзбекистон Республикасининг Таиланд Қироллигидаги бош консули<br>С. Бекенов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари лавозим бўйича – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари                              |
|    | Ўзбекистон Республикаси ва Малайзия ўртасида қўшма савдо қўмитаси   |  | Р. Усманов – Ўзбекистон Республикасининг Малайзиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>С. Бекенов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари лавозим бўйича – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари                     |

|    |  |   |  |
|----|--|---|--|
|    | Ўзбекистон Республикаси ва Финляндия Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия   |   | лавозим бўйича – Ўзбекистон Республикасининг Латвия Республикасидаги Фавкулудда ва Мухтор Элчиси<br>Б. Абидов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари<br>Д. Ахатов – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари  |
| 5. | Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ҳукуматлараро комиссия   | <b>Бош вазир ўринбосари<br/>Ж.А. Қўчқоров</b>   | О. Усманов – Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги Фавкулудда ва Мухтор Элчиси<br>С. Бекенов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари<br>лавозим бўйича – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари   |
|    | Ўзбекистон Республикаси ва Саудия Арабистони Қироллиги ўртасида савдо, иқтисодиёт, фан ва технологиялар, маданият, спорт ва ёшлар соҳасида келишувни назорат қилиш бўйича ҳукуматлараро комиссия |   | У. Максудов – Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Қироллигидаги Фавкулудда ва Мухтор Элчиси<br>Ш. Вафаев – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари<br>лавозим бўйича – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари  |
|    | Ўзбекистон Республикаси ва Кувайт Давлати ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия   |   | Б. Аълоев – Ўзбекистон Республикасининг Кувайт Давлатидаги Фавкулудда ва Мухтор Элчиси<br>Ш. Вафаев – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари<br>лавозим бўйича – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари   |
|    | Ўзбекистон Республикаси ва Қатар Давлати ўртасида савдо-иқтисодий ва техник ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия  |   | Б. Аълоев – Ўзбекистон Республикасининг Кувайт Давлатидаги Фавкулудда ва Мухтор Элчиси<br>Ш. Вафаев – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари<br>лавозим бўйича – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари   |
|    | Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия   |   | Ф. Арзиев – Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистон Республикасидаги Фавкулудда ва Мухтор Элчиси<br>А. Икромов – Савдо-саноат палатаси раиси<br>И. Неъматов ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари  |
| 6. | Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия  | <b>Бош вазир маслаҳатчиси<br/>А.С. Султанов</b> | Ш. Файзиев – Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжон Республикасидаги Фавкулудда ва Мухтор Элчиси<br>С. Бекенов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари<br>И. Неъматов – ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари<br>лавозим бўйича – Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги Фавкулудда ва Мухтор Элчиси |
|    | Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия  |   | А. Абдуалиев – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари<br>И. Неъматов – ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари   |

|    |  |   |  |
|----|--|---|--|
| 7. | Ўзбекистон Республикаси ва Австрия Республикаси ўртасида ҳукуматлараро комиссия  | <b>Инвестициялар ва ташқи савдо вазири</b><br><b>С.У. Умурзоқов</b> | Ш. Асадов – Ўзбекистон Республикасининг Австрия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>Б. Абидов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари<br>Д. Ахатов – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари                    |
|    | Ўзбекистон Республикаси ва Чехия Республикаси ўртасида иқтисодий, саноат ва илмий-техник ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия       |   | Н. Касимов – Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>Ж. Арипов – иқтисодиёт ва саноат вазири ўринбосари<br>Д. Ахатов – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари                    |
|    | Ўзбекистон Республикаси ва Исроил Давлати ўртасида савдо-иқтисодий, инвестиция ва илмий-техник ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия |   | С. Рустамов – Ўзбекистон Республикасининг Исроил Давлатидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>А. Назаров – инновацион ривожланиш вазири ўринбосари<br>Д. Ахатов – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари                                  |
|    | Ўзбекистон Республикаси ва Литва Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия                         |   | лавозим бўйича – Ўзбекистон Республикасининг Латвия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>Б. Абидов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари<br>Д. Ахатов – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари                |
|    | Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Венгрия ҳукуматлараро комиссия   |   | Ш. Асадов – Ўзбекистон Республикасининг Австрия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>С. Бекенов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари<br>Д. Ахатов – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари           |
|    | Ўзбекистон Республикаси ва Болгария ўртасида иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия                         |   | А. Агзамходжаев – Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>Б. Абидов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари<br>Д. Ахатов – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари               |
|    | Ўзбекистон Республикаси ва Индонезия Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия                      |   | У. Розукулов – Ўзбекистон Республикасининг Индонезия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>С. Бекенов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари<br>лавозим бўйича – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари |
|    | Ўзбекистон Республикаси ва Словакия Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича идоралараро комиссия                        |   | Ш. Асадов – Ўзбекистон Республикасининг Австрия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>Л. Кудратов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари<br>Д. Ахатов – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари                  |

|     |   |   |  |
|-----|---|---|--|
|     | Ўзбекистон Республикаси ва Руминия ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия   |   | Ш. Асадов – Ўзбекистон Республикасининг Австрия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>Б. Абидов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари<br>Д. Ахатов – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари                    |
|     | Ўзбекистон Республикаси ва Швейцария ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия   |   | Н. Касимов – Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>Б. Абидов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари<br>Д. Ахатов – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари        |
|     | Савдо, иқтисодиёт ва саноат ҳамкорлиги ва экспорт кредитлари масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон-Италия ҳукуматлараро ишчи гуруҳи |   | О. Акбаров – Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>С. Бекенов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари<br>Д. Ахатов – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари                        |
|     | Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия                      |   | Б. Ибрагимов – Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Араб Амирликларидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>Ш. Вафаев – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари<br>лавозим бўйича – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари      |
| 8.  | Ўзбекистон Республикаси ва Бангладеш Халқ Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия                                     | <b>Қишлоқ хўжалиги вазири<br/>Ж.А. Ходжаев</b>      | Ф. Арзиев – Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>Л. Кудратов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари<br>лавозим бўйича – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари           |
|     | Ўзбекистон Республикаси ва Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия                |   | У. Розукулов – Ўзбекистон Республикасининг Индонезия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>С. Бекенов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари<br>лавозим бўйича – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари |
|     | Ўзбекистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия                     |   | Ф. Сидиков – Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>Б. Абидов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари<br>лавозим бўйича – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари       |
| 9.  | Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида ҳамкорлик кенгаши   | <b>Ташқи ишлар вазири<br/>А.Х. Камилов</b>          | Ҳакимов Д. – Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқидаги ваколатхонаси раҳбари<br>Б. Абидов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари<br>Д. Ахатов – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари                              |
| 10. | Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия  | <b>Иқтисодиёт ва саноат вазири<br/>Б.А. Ходжаев</b> | Б. Асадов – Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>С. Бекенов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари  |

|     |  |  |  |
|-----|--|--|--|
|     |  |  | И. Неъматов – ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари  |
|     | Ўзбекистон Республикаси ва Арманистон Республикаси ўртасида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия  |  | Б. Асадов – Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>С. Бекенов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари<br>И. Неъматов – ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари |
|     | Ўзбекистон Республикаси ва Молдова Республикаси ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ҳукуматлараро комиссия   |  | лавозим бўйича – Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>Л. Кудратов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари<br>И. Неъматов – ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари              |
|     | Ўзбекистон Республикаси ва Польша Республикаси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия  |  | Б. Бабаев – Ўзбекистон Республикасининг Польша Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>С. Бекенов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари<br>Д. Ахатов – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари          |
| 11. | Молиявий ва техник ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Германия ҳукуматлараро музокаралари   | <b>Иқтисодиёт ва саноат вазирининг биринчи ўринбосари Р.А. Гулямов</b>                     | Н. Касимов – Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>Л. Кудратов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари<br>Д. Ахатов – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари    |
|     | Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида савдо ва инвестициялар бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳ                                   |  | Н. Касимов – Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>Л. Кудратов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари<br>Д. Ахатов – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари    |
| 12. | Ўзбекистон Республикаси, Афғонистон Ислом Республикаси ва Покистон Ислом Республикаси ўртасида савдо ва инфратузилма лойиҳалари бўйича уч томонлама комиссия | <b>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили И.Р. Иргашев</b> | Я. Шадманов – Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>И. Махкамов – транспорт вазирининг биринчи ўринбосари<br>лавозим бўйича – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари           |
|     | Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия                                     |  | Я. Шадманов – Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси<br>Б. Абидов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари<br>лавозим бўйича – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари  |

Изоҳ. Комиссиянинг Ўзбекистонга оид қисми аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига тегишли лавозимларга янгидан тайинланган ёки уларнинг ўрнини босадиган шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2019 йил 23 майдаги ПҚ–4331-сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар  
ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро  
комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар)нинг  
Ўзбекистонга оид қисмлари тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар)нинг (кейинги ўринларда – ҲАК) Ўзбекистонга оид қисми фаолиятининг ҳуқуқий асослари, вазифа ва функцияларини, ҲАК мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш, шунингдек, эришилган келишувларни амалга ошириш ва уларнинг яқунлари бўйича қабул қилинган қарорлар мониторингини олиб бориш тартибини белгилайди.

2. ҲАК икки томонлама ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик, молиявий-техник, илмий-техник, сайёҳлик ва маданий-гуманитар ҳамкорлик, шунингдек, ўзаро муносабатларнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ташкил қилинади.

3. ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми маслаҳат органи бўлиб, ҲАКда Ўзбекистон Республикасини ифодалайди.

4. ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, ушбу Низом, қонунчиликнинг бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига амал қилади.

5. ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг раҳбарлиги остида амалга оширади ҳамда манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

**2-боб. ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми вазифалари,  
функциялари ва ваколатлари**

6. ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

икки томонлама савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик, молиявий-техник, илмий-техник, туристик ва маданий-гуманитар ҳамкорликни, шунингдек, ўзаро алоқаларнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш бўйича давлатлараро ва ҳукуматлараро келишувлар, олий ва юқори даражадаги ташрифлар якуни бўйича имзоланган амалий тадбирлар режаларини (“Йўл хариталарини”) ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда амалга ошириш мониторингини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик, молиявий-техник, илмий-техник, туристик ва маданий-гуманитар соҳаларида, шунингдек, икки томонлама ўзаро муносабатларнинг бошқа устувор йўналишларида ҳамкорликнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш ва уни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг ишбилармон доиралари ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва кенгайтириш учун қулай шароитларни яратиш;

биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси компаниялари ва ташкилотлари маҳсулотлари ва хизматларини ташқи бозорларга барқарор ва узоқ муддатли экспорт етказиб беришни ташкил қилиш ҳисобига хорижий тараф билан келишган ҳолда ўзаро товар алмашув номенклатурасини кенгайтириш ва ҳажмларини ошириш бўйича чоралар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

транспорт ва транзит, халқаро транспорт коммуникациялари ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида келишилган сиёсатни олиб бориш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо юқларини ташиш ва транзити учун преференция режимларини қўллаш;

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ва инфратузилмасининг асосий тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича устувор дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишга тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ва илғор технологиялар, грантлар, имтиёзли кредитлар ва техник кўмаклашиш воситаларини жалб қилишни таъминлаш;

хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасига сайёҳлар оқимини жалб қилишга, миллий сайёҳлик маҳсулотларини илгари суриш бўйича қўшма дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишда етакчи хорижий сайёҳлик компанияларнинг иштирок этишига, шунингдек, сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантиришга кўмаклашиш;

етақчи хорижий ташкилотлар ва илмий-тадқиқот марказлари билан энг аввало миллий таълим тизимига илғор амалиёт ва стандартларни жорий қилиш, ўқув жараёни усулларини такомиллаштириш, қўшма тадқиқот дастурлари ва ишланмаларини ўтказишга йўналтирилган ҳамкорликни ўрнатиш ва кенгайтириш бўйича амалий чораларни қабул қилиш;

бизнес-форумлар, ихтисослаштирилган кўргазмаларни ташкиллаштириш ва ўтказиш, хорижий мамлакатларда Ўзбекистон маданияти кунлари ва Ўзбекистонда хорижий мамлакатлар кунларини ўтказишда кўмаклашиш;

манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш, конструктив мулоқот ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида Марказий Осиё минтақасида трансчегаравий очик сув оқимларидан оқилona ва адолатли фойдаланиш, шунингдек, экологик барқарорликни таъминлаш масалаларини ҳал қилиш;

хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришда кўмаклашиш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва бошқа икки томонлама, шу жумладан олий ва юқори даражада ўтказилган ташрифлар жараёнида эришилган келишувлари ҳамда ҲАК мажлисларида қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини мониторинг қилиш.

7. Кўрсатилган вазифаларни бажариш учун ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми қуйидаги функцияларни бажаради:

хорижий ҳамкорлар билан биргаликда икки томонлама савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик, молиявий-техник, илмий-техник, сайёҳлик ва маданий-гуманитар ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектларига ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда, ўзаро фойдали ва узок муддатли ишбилармонлик алоқаларини ўрнатишга тайёр бўлган чет эллик контрагентларни аниқлашда кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият субъектлари томонидан амалга оширилаётган аниқ лойиҳа ва дастурлар бўйича ишларни мувофиқлаштиради, тарафлар ўз шартномавий вазифаларини бажаришига ёрдам беради, юзага келадиган муаммоли масалаларни ҳал қилишга кўмаклашади;

етакчи чет эл компаниялари ва ишлаб чиқариш корхоналари билан тўғридан-тўғри контрактлар тузиш орқали Ўзбекистон Республикаси компаниялари ва ташкилотлари маҳсулотлари ва хизматларининг ташқи бозорларга барқарор ва узок муддатли экспорт етказиб берилишини ташкиллаштиришга ҳар томонлама кўмаклашади;

маҳаллий компания ва ташкилотларнинг халқаро пудрат, сервис ва бошқа, шу жумладан саноат ва инфратузилма объектларини лойиҳалаштириш ва куриш, давлат харидлари доирасида товар ва хизматларни етказиб бериш бўйича битимларида, шунингдек, хорижий мамлакатлар компанияларининг очик тендерларида иштирок этишига кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикасининг транзит салоҳиятини мустаҳкамлаш, уни халқаро транспорт-коммуникация тармоқларига интеграция қилиш, ташқи савдо юқларини экспорт қилиш учун мавжуд транспорт йўналишлари



самарадорлигини ошириш ва янгиларидан фойдаланиш, уларни ташишда имтиёзлар ва преференциялар тақдим қилиш бўйича таклифларни тайёрлаш ва амалга оширишда иштирок этади;

хорижий мамлакатларнинг ташкилотлари ва компанияларини Ўзбекистон Республикасидаги инвестиция жараёнларида, хусусан иқтисодиёт ва инфратузилманинг асосий тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича устувор дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этишга жалб қилиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасида ҳамкорликда ишлаб чиқарилган ярим фабрикатлар, буловчи ва эҳтиёт қисмлар кўринишидаги саноат маҳсулотларини хорижий ишлаб чиқариш корхоналари эҳтиёжлари учун экспорт етказиб беришни таъминлаган ҳолда хорижий мамлакатларнинг етакчи компаниялари билан маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш доирасида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича чоралар кўради;

Ўзбекистон Республикасида устувор ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун грантлар, имтиёзли кредитлар, техник кўмаклашиш воситаларини жалб қилиш бўйича чора кўради;

Ўзбекистон Республикасининг маданий-тарихий ва сайёҳлик салоҳиятини оммалаштириш, шунингдек, хорижий мамлакатларни миллий сайёҳлик маҳсулотларини илгари суриш ва мамлакатнинг сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кўшма дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишга жалб қилишига кўмаклашади;

тадқиқот ва таълим кўшма дастурлари ва лойиҳаларини амалга ошириш, илғор технологиялар ва илмий ишланмаларни Ўзбекистон Республикасига жалб қилиш йўли билан етакчи хорижий таълим ташкилотлари, илмий марказлар ва юқори технологияли компаниялари билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтиришга кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикасининг трансчегаравий дарёлар сув-энергия ресурсларидан самарали фойдаланиши юзасидан, шунингдек, кўшни давлатлар ҳудудидаги сув-хўжалик объектларига хизмат кўрсатиш, таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш, уларнинг хавфсиз ва узлуксиз ишлашини таъминлаш бўйича чоралар кўради;

ҳавони ифлослантирувчи моддалар чиқишини чеклаш ва уларнинг трансчегаравий таъсирини пасайтириш, экологик жиҳатдан асосланган технологиялар, ишлаб чиқариш ва истеъмол усулларини ишлаб чиқиш ва қўллашга қаратилган узоқ муддатли лойиҳа ва дастурларни ишлаб чиқишга кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, бошқа икки томонлама келишувлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни хорижий ҳамкорлар билан келишиш ва тузиш бўйича чоралар кўради, шунингдек, улардан келиб чиқадиган ўзаро мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайди;

ҲАК мажлисларида қабул қилинадиган, ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисмига тааллуқли бўлган баён қарорларининг бажарилишини мониторинг қилади;

ҲАКнинг хорижий қисмлари билан иш юзасидан алоқада бўлади, уларнинг ўзаро муносабатларга тааллуқли бўлган мурожаатлари тезкорлик билан кўриб чиқилишида зарур ёрдам кўрсатади;

Ўзбекистон Республикаси давлат органлари, ташкилотлари, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҲАК хорижий қисмлари билан мурожаатларни кўриб чиқишда кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҲАК мажлисларини тайёрлаш ва ўтказишни ташкиллаштиради, уларни чақириш билан боғлиқ ташкилий-техник, моддий-молиявий ва бошқа масалаларнинг бутун комплексини ҳал қилади;

олий ва юқори даражадаги ташрифлар давомида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича комплекс масалаларни ҳал қилади ҳамда масъул вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

бизнес-форумлар, ихтисослаштирилган кўرғазмалар, хорижий мамлакатларда Ўзбекистон маданияти кунлари ва Ўзбекистонда хорижий мамлакатлар кунларини ўтказишни ташкиллаштиришда кўмаклашади.

8. Хорижий мамлакатлар билан икки томонлама келишувлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва топшириқларига мувофиқ ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисмига бошқа вазифа ва функциялар юклатилиши мумкин.

9. ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми куйидаги ваколатларга эга:

хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш масалалари бўйича зарур қарорлар қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

ҲАКнинг хорижий қисмлари билан келишилган ҳолда ҲАК доирасида доимий ва вақтинча қўшма кичик комиссиялар ва идоралараро ишчи гуруҳларни тузиш;

Ўзбекистон Республикасининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, хориждаги муассасаларидан зарур ахборот-таҳлил ва маълумотнома материаллари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа маълумотларни сўраб олиш;

Ўзбекистон Республикасининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлари раҳбарлари ва экспертлари иштирокида мажлислар чақириш;

Белгиланган тартибда ёки ҲАКнинг хорижий қисмлари кўмагида хорижий мамлакатларнинг ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларига икки томонлама ҳамкорлик ва ҲАК фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича муурожаат қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор давлат ва хўжалик бошқарувининг органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларини ҳамкорлик, келишувлар, ҲАК томонидан қабул қилинадиган баённома қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқишга жалб қилиш.

### **3-боб. ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми фаолиятини ташкил қилиш**

10. ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми раис, уч нафар ўринбосар, котибият, ишчи орган ва ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми аъзоларидан иборат.

11. ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлари раҳбарлари ва масъул шахслари орасидан шакллантирилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми раисларининг ўринбосарлари ҳисобланади ва уларнинг самарали ишлаши ҳамда келишувлар, шу жумладан ҲАК мажлислари яқунлари бўйича, олий ва юқори даражадаги ташрифлар яқунлари бўйича эришилган келишувларнинг амалий ижроси учун шахсан жавобгардир.

12. ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми таркиблари Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан икки томонлама муносабатларининг жорий ҳолати, савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик, молиявий-техник, илмий-техник, сайёҳлик ва маданий-гуманитар ҳамкорлик хусусияти ва кўлами, муҳокамага киритиладиган кун тартибидаги масалалар мазмуни, шунингдек, ҲАКнинг хорижий қисмлари таркибидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

13. ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми раислари:

ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми аъзолари ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда ҲАК мажлисларини ўтказишга пухта ва мазмунли тайёргарликни таъминлаган ҳолда ҲАК мажлисларини ташкиллаштириш масалаларининг бутун комплексини мувофиқлаштиради;

ҲАК мажлисларини, зарур ҳолларда эса мажлислар орасидаги даврда

ҲАК раисдошлари билан учрашувларни ўтказди;

ҲАК мажлислари яқунлари бўйича қабул қилинган мажлис баёни қарорларини имзолайди;

ҲАКнинг самарали ишлашини ташкиллаштириш бўйича бошқа чораларни кўради.

ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми раислари йўқлигида кўрсатилган вазифаларни уларнинг ўринбосарлари бажаради.

14. ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми аъзолари:

шерик давлатнинг салоҳияти ва имкониятларини таҳлил қилиш асосида ҳамда у билан ташқи иқтисодий ва ташқи сиёсий ҳамкорлик даражасини ҳисобга олган ҳолда ҲАК мажлисларининг кун тартиби ва якуний баённомага киритиш учун икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича асосланган таклифлар ўз вақтида ва сифатли тайёрланишини таъминлайди;

чет эл тарафи билан икки томонлама музокаралар ва учрашувлар ўтказди, ўз ваколати доирасида келишувлар ва бошқа ҳужжатларни имзолайди;

ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми раислари ва котибиятига эришилган келишувлар ва қабул қилинган қарорларни амалга ошириш бўйича аниқ таклифлар билан бирга ўзининг ҲАК мажлисларидаги иштироқи натижалари тўғрисида батафсил ҳисоботларни тақдим қилади;

ҳар чоракда камида бир марта ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми котибиятини келишувлар ҳамда ҲАК мажлислари яқунлари бўйича қабул қилинган қарорларни амалга ошириш жараёни ҳақида ахборот беради;

ҲАК ишида самарали иштирок этиш юзасидан бошқа чораларни кўради.

15. ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми котибияти функцияларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги амалга оширади ва у куйидаги вазифаларни бажаради:

ҲАК мажлисларини ҳар томонлама ва сифатли тайёрлаш бўйича ишларнинг бутун комплекси мувофиқлаштирилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларига ҲАК фаолияти доирасида икки томонлама ҳамкорлик масалалари бўйича сўровлар юборади, келиб тушган таклифларни умумлаштиради ва таҳлил қилади, улар асосида кун тартиби лойиҳасини ишлаб чиқади;

ҲАКнинг хорижий қисмлари таркибидаги ўзгаришларни мониторинг қилади ва ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми раисларини бу ҳақида ўз вақтида хабардор қилади;

зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлари вакиллари ҲАК ишига жалб қилинишини таъминлайди;

ҲАКнинг баённома қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда давлат ва

хўжалик бошқаруви органлари билан келишиш, мажлис яқунлари бўйича уларни қабул қилишни таъминлайди;

эришилган келишувлар ва қабул қилинган қарорларни амалга ошириш бўйича аниқ таклифлар билан бирга ҲАК мажлислари натижалари бўйича ҳисоботларни умумлаштиради ва тайёрлайди;

ҲАК мажлислари яқунлари бўйича эришилган келишувлар ва баённома қарорларининг амалга оширилиши устидан мониторингини олиб боради;

ҲАКнинг самарали ишлашини ташкил қилиш бўйича бошқа чораларни кўради.

16. Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари (бундан буён – Ишчи орган деб юритилади):

ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган ҲАК вазифаларини амалга оширишда кўмаклашади;

хорижий тараф билан хорижий делегация таркиби, тадбирлар сценарийси, кун тартиби лойиҳалари, мажлис баённомаси ва имзолаш учун режалаштирилаётган икки томонлама ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва келишиш, шунингдек, барча ташкилий-протокол масалаларни ҳал қилишни таъминлайди;

олий ва юқори даражадаги ташрифлар ҳамда ҲАК мажлислари яқунлари бўйича эришилган келишувларнинг амалий ижроси мониторингини амалга оширади.

#### **4-боб. ҲАК мажлисларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тартиби**

17. ҲАК мажлисларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тартиби ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

18. ҲАК мажлислари, қоидага кўра, Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларининг ташаббус таклифлари, шунингдек, хорижий тараф билан келишувларни ҳисобга олган ҳолда 1 февралга қадар шакллантириладиган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган ҲАК мажлисларини ўтказиш бўйича йиллик жадвал асосида ўтказилади.

19. ҲАК мажлиси ўтказилишидан камида тўқсон кун аввал ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми раислари мажлисга тайёргарлик кўриш бўйича асосий вазифаларни тақсимлаш учун ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми аъзолари иштирокида мажлис ўтказилади.

Ўтказилган мажлис Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларига ҲАКнинг режалаштирилаётган мажлисига тайёргарлик кўриш бўйича аниқ топшириқларни назарда тутувчи баённома билан расмийлаштирилади.

20. Баённомага мувофиқ Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва

ташқи савдо вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлари қуйидагилар бўйича таклифларни тайёрлаш мақсадида ўз ваколатига кирадиган масалаларни ишлаб чиқишга киришади:

халқаро шартномалар, икки томонлама келишувлар ва ташқи иқтисодий битимларни тузиш;

икки томонлама ҳамкорлик, шу жумладан олий ва юқори даражадаги ташрифлар доирасида эришилган келишувларни амалга оширишнинг муаммоли жиҳатларини ҳал қилиш;

икки томонлама ҳамкорликнинг “йўл харитаси”, мажлис кун тартиби ва баённомаси бандлари;

ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми таркиби;

ҲАК мажлиси давомида муҳокама қилиш учун зарур бошқа масалалар.

Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг бошқа дахлдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлари мажлис баённомасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ ҳужжатлар тўпламини тақдим қилади.

21. Ташқи ишлар вазирлиги ҲАКнинг режалаштирилаётган мажлисидан камида олтмиш кун аввал хорижий тараф билан тадбир ўтказилишининг аниқ муддатлари, ҲАК мажлисининг кун тартиби, мажлис доирасида имзоланиши режалаштирилаётган икки томонлама ҳужжатлар рўйхатини ишлаб чиқади.

22. Ташқи ишлар вазирлиги ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми раиси билан келишилган ҳолда хорижий томон тасдиқномаси олинган санадан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хорижий тараф билан мажлисни ўтказишнинг келишилган муддатлари, кун тартиби лойиҳаси, шунингдек, мажлис доирасида имзоланадиган икки томонлама ҳужжатлар рўйхати тўғрисидаги маълумотлар билан бирга ҲАК мажлисини ўтказиш тўғрисидаги таклифни киритади.

23. Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли розилиги берилган санадан эътиборан икки кундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикасининг барча дахлдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларига ҲАКнинг келгуси мажлиси тўғрисидаги хабарномани ҳамда нутқлар матни, музокаралар учун материаллар, имзоланиши режалаштирилаётган икки томонлама ҳужжатларнинг лойиҳалари, шунингдек, мажлис баённомаси лойиҳаси ва ҲАКни-нг Ўзбекистонга оид қисми таркиби юзасидан таклифларни тақдим қилиш тўғрисида сўров юборади.

24. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлари ҲАК мажлисидан камида йигирма беш кун аввал Ташқи ишлар вазирлигига мажлис баённомаси лойиҳаси ва ҲАКни ўтказиш сценарийсини тайёрлаш учун зарур ҳужжатлар тўплами ҳамда музокаралар бўйича материалларни юборди.

25. Ташқи ишлар вазирлиги ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми раиси билан келишилган ҳолда мажлисдан камида йигирма кун аввал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҲАКнинг якуний кун тартиби, ўтказиш сценарийси ва ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми таркибини киритади. ҲАК мажлисининг баённомаси лойиҳаси бир вақтнинг ўзида хорижий тарафга ҳам юборилади.

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҲАК мажлисдан камида ўтказиш масаласини кўриб чиқади ва маъқул бўлган тақдирда Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тегишли таклиф киритилган санадан эътиборан беш кун ичида Ташқи ишлар вазирлигини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади.

27. Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли розилигини олган кундан эътиборан икки кун ичида ҲАКнинг режалаштирилаётган мажлиси тўғрисидаги маълумотни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига келишиш учун киритади.

28. Ташқи ишлар вазирлиги келишувга қараб, бироқ ҲАК мажлисидан камида ўн кун аввал Вазирлар Маҳкамасига ҲАК мажлисини ўтказиш тўғрисидаги фармойиш лойиҳасини киритади.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҲАК мажлиси ўтказилишидан камида етти кун аввал ҲАК мажлисини ўтказиш ҳақида Ташқи ишлар вазирлиги томонидан киритилган фармойишни қабул қилади.

30. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҲАК мажлиси якунлангандан сўнг бир кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҲАК мажлиси якунлари тўғрисидаги ахборотни ва баённомани киритади.

31. Айрим истисно ҳолатларда ҲАК мажлисини ўтказиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ёки хорижий тараф томонидан кўтарилган тақдирда ушбу бобда кўрсатиб ўтилган муддатлар ўзгартирилиши мумкин.

**5-боб. ҲАК мажлисларида эришилган келишувлар, шунингдек,  
уларнинг якунлари бўйича қабул қилинган қарорларни ижросининг  
мониторинги**

32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҲАК мажлиси якунлари тўғрисидаги ахборот ва баённома киритилгандан сўнг уч кундан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо

вазирлиги, бошқа дахлдор давлат ва хўжалик бошқарувининг органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларига ҳар чоракда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасидан кечиктирмасдан эришилган келишувлар ҳамда уларнинг яқунлари бўйича қабул қилинган қарорлар ижросининг бориши тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилишни топширади.

33. ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми ишчи органлари хорижий тараф томонидан ҲАК мажлислари яқунлари бўйича эришилган келишувлар ҳамда қабул қилинган қарорлар ижросининг боришини доимий мониторинг қилади ва ҳар чоракда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасидан кечиктирмасдан киритилган ҳисобот маълумотларини ва икки томонлама ҳамкорликнинг юзага келиши мумкин бўлган муаммоли жиҳатларини бартараф қилиш бўйича таклифларни Ташқи ишлар вазирлигига тақдим қилади.

34. Ташқи ишлар вазирлиги ҳар чоракда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмасдан кейинчалик ахборот олинган санадан эътиборан беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, агар ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми раиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ёки унинг ўринбосари бўлса – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот бериш учун ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми раисига умумлаштирилган ҳисобот маълумотларини тақдим қилади.

#### **6-боб. Якуний қоидалар**

35. ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми раислари ва уларнинг ўринбосарлари зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни лозим даражада бажариш ҳамда ҲАКнинг Ўзбекистонга оид қисми ишининг натижадорлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.




**Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар)нинг мажлисларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш схемаси**

| Бос-кичлар | Субъектлар   | Тадбирлар   | Муддатлар*                                  |
|------------|--|---|---|
| 1-босқич   | Вазирлар Маҳкамаси   | Манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари таклифлари ҳамда хорижий томон билан келишувларни ҳисобга олган ҳолда шакллантириладиган ҲАК мажлисларини ўтказиш йиллик жадвалини тасдиқлаш (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда)   | 1 февралгача                                |
| 2-босқич   | ҲАК ўзбек қисмлари раиси   | ҲАК мажлисини ўтказишга тайёргарлик кўриш бўйича вазифаларни тақсимлаш учун ўзбек қисмлари аъзолари иштирокида мажлис ўтказиш. Яқуни бўйича мажлис баённомасини қабул қилиш.  | ҲАК мажлисидан камида 90 кун аввал          |
| 3-босқич   | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, бошқа алоқадор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар | Мажлис баённомасига мувофиқ, қуйидагилар бўйича таклифлар тайёрлаш юзасидан алоқадор ташкилот фаолиятига тегишли масалаларни кўриб чиқиш:<br>халқаро шартномалар, икки томонлама келишувлар ва ташқи иқтисодий битимларни тузиш;<br>икки томонлама ҳамкорликнинг муаммоли жиҳатларини ҳал этиш;<br>икки томонлама ҳамкорликнинг “йўл харитаси”, кун тартиби ва мажлис баённомасининг бандлари;<br>ҲАК ўзбек қисмлари таркиби;<br>ҲАК мажлиси давомида муҳокама қилиниши зарур бўлган бошқа масалалар.<br>Ташқи ишлар вазирлигига ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ материаллар пакетини тақдим этиш. | Мажлис баённомасида кўрсатилган муддатларда |
| 4-босқич   | Ташқи ишлар вазирлиги  | Хорижий томон билан тадбирларни ўтказишнинг аниқ муддатлари, ҲАК мажлислари кун тартиби, мажлис доирасида имзоланиши режалаштирилган икки томонлама ҳужжатлар рўйхатини ишлаб чиқишни бошлаш.   | ҲАК мажлисидан камида 60 кун аввал          |

|              |  |   |  |
|--------------|--|---|--|
| 5-<br>босқич | Ташқи ишлар<br>вазирлиги   | ҚАК ўзбек қисми раиси билан келишилган ҳолда ҚАК мажлисини ўтказиш бўйича хорижий томон билан келишилган мажлис ўтказиш муддатлари, кун тартиби лойиҳаси, шунингдек, мажлис доирасида имзоланадиган икки томонлама ҳужжатлар рўйхати тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.  | хорижий томоннинг тасдиқномаси олинган санадан бошлаб 3 кун ичида                                  |
| 6-<br>босқич | Ташқи ишлар<br>вазирлиги   | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва бошқа алоқадор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларга нутқлар матнларига, музокаралар материалларига таклифларни, имзоланиши режалаштирилаётган икки томонлама ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, мажлис баённомаси ва ҚАК ўзбек қисми таркибига таклифларни бериш тўғрисида сўровнома юбориш. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли розилиги олинган санадан бошлаб 2 кун ичида |
| 7-<br>босқич | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, бошқа алоқадор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар | Ташқи ишлар вазирлигига мажлис баённомаси лойиҳасини ва ўтказиш сценарийсини тайёрлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар пакетини, шунингдек, музокараларга тегишли материалларни жўнатиш.   | ҚАК мажлисидан камида 25 кун аввал   |
| 8-<br>босқич | Ташқи ишлар<br>вазирлиги   | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҚАК мажлисининг якуний кун тартиби, ўтказиш сценарийси ва ҚАК ўзбек қисми таркибини киритиш. Бир вақтнинг ўзида ҚАК мажлиси баённомаси лойиҳасини хорижий томонга жўнатиш.   | ҚАК мажлисидан камида 20 кун аввал   |

|               |   |  |   |
|---------------|---|--|---|
| 9-<br>босқич  | Ташқи ишлар<br>вазирлиги  | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҲАК<br>мажлиси ўтказиш тўғрисидаги ахборотни киритиш.   | ҲАК мажлисидан<br>камида 20 кун аввал   |
|               | Президент<br>Администрацияси  | ҲАК мажлисини ўтказиш тўғрисидаги масалани келишиш.  | розилик берилишига қараб  |
| 10-<br>босқич | Ташқи ишлар<br>вазирлиги  | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан<br>келишилган ҳолда, ҲАК мажлиси ўтказиш тўғрисидаги фармойиш<br>лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.  | розилик берилишига қараб,<br>ҲАК мажлисидан<br>камида 10 кун аввал                |
| 11-<br>босқич | Вазирлар Маҳкамаси  | ҲАК мажлисини ўтказиш тўғрисидаги фармойишни қабул қилиш.  | ҲАК мажлисидан<br>камида 7 кун аввал  |
| 12-<br>босқич | Ташқи ишлар<br>вазирлиги  | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва<br>Вазирлар Маҳкамасига ҲАК мажлиси якунлари тўғрисидаги ахборотни ва<br>мажлис баённомасини киритиш.  | ҲАК мажлиси ўтказилганидан<br>кейин 1 кун ичида                                   |
| 13-<br>босқич | Вазирлар Маҳкамаси  | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, бошқа алоқадор давлат ва хўжалик<br>бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва республикадаги<br>бошқа ташкилотларга эришилган келишувларни амалга оширишнинг бориши<br>тўғрисида Ташқи ишлар вазирлигига ахборот тақдим этишни топшириш. | ахборот киритилганидан кейин<br>3 кун ичида                                       |
| 14-<br>босқич | Инвестициялар ва ташқи<br>савдо вазирлиги, бошқа<br>алоқадор давлат ва<br>хўжалик бошқаруви<br>органлари, маҳаллий<br>ижро ҳокимияти<br>органлари ва бошқа<br>ташкилотлар ҳамда<br>дипломатик<br>ваколатхоналар | ҲАК мажлиси давомида эришилган келишувларни ҳамда уларнинг якуни<br>бўйича қабул қилинган қарорларни амалга оширишнинг бориши тўғрисида<br>ҳисобот ахборотини Ташқи ишлар вазирлигига тақдим этиш.   | ҳар чоракда, бироқ ҳисобот<br>ойидан кейинги ойнинг<br>5-санасидан кечиктирмасдан |



\*) Алоҳида ҳолларда, ушбу схемада кўрсатилган муддатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ёки хорижий томоннинг ҚАК мажлисини ўтказиш масаласидаги ташаббусига кўра ўзгартирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар  
ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро  
комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар)нинг  
Ўзбекистонга оид қисмлари тўғрисидаги низомга  
2-илова

## **Ҳукуматлараро комиссия мажлисларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш муносабати билан шакллантириладиган ҳужжатлар ҳамда ахборот-таҳлилий материаллар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда бошқа алоқадор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида ахборот-таҳлилий материаллар кўринишидаги қуйидаги ахборотни умумлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, зарур ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақдим этади:

Ўзбекистон Республикаси ва ҳамкор мамлакатнинг ўтган йил якунлари бўйича ривожланиш макроиқтисодий кўрсаткичлари;

Ўзбекистон Республикаси ва ҳамкор мамлакатнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар соҳасидаги етакчи тармоқлари, уларнинг ЯИМ таркибидаги улуши, экспорт-импорт операциялари тўғрисида маълумотлар;

Ўзбекистон Республикасининг ҳамкор мамлакат билан ташқи савдоси динамикасининг таҳлили, уларнинг асосий ташқи савдо ҳамкорларининг батафсил ёритилган экспорт/импорт номенклатурасини илова қилган ҳолда;

ҳамкор мамлакатнинг Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш билдираётган етакчи ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги ахборот;

хорижий мамлакат давлат тузилмалари, банклари, ташкилотларининг республикамиз давлат органлари, банклари ва ташкилотлари билан иқтисодиёт тармоқларининг устувор йўналишларини ривожлантириш бўйича ҳамкорлиги тўғрисидаги ахборот;

давлат тузилмалари билан молиявий-техник ва гуманитар ёрдам масалалари бўйича ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги ахборот;

халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик бўйича ахборот ва таклифлар;

ҳамкор мамлакатнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида савдо-иқтисодий ва инвестициявий фаолиятни амалга ошираётган қўшма корхоналари, компаниялар ваколатхоналари ва бошқа тижорий тузилмалари фаолияти тўғрисида ахборот;

мамлакатдаги мавжуд транспорт йўлларида республикамизнинг экспорт-импорт операциялари учун фойдаланиш тўғрисидаги ахборот (денгиз портларининг юк билан бандлиги, транзит йўлаклар, темир йўл ва бошқа транспорт турларидан фойдаланиш, трансмиллий йўллар бўйича лойиҳаларни биргаликда амалга оширишда мамлакатларнинг иштироки тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлса);

кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича таклифлар;

халқаро шартномалар ва ташқи иқтисодий битимларнинг лойиҳалари ҳамда уларни имзоланишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар;

ҳукуматлараро комиссия мажлислари доирасидаги музокаралар учун савдо-иқтисодий, молиявий-техник ва инвестициявий ҳамкорлик бўйича материаллар, қўйиладиган масалалар ва таклифлар, шунингдек, тақдимот материаллари ва асосий маърузачиларнинг нутқлари матнлари;

ҳамкор мамлакат томонидан қўйилиши мумкин бўлган масалалар ва улар бўйича ўзбек томонининг асосланган позициялари;

олий ва юқори даражадаги ташрифлар яқунлари бўйича “йўл хариталари”га киритилган эришилган келишувлар ва имзоланган шартномалар ижросининг бориши тўғрисидаги ахборот;

хорижий делегациянинг тахминий таркиби ва мажлисни ўтказиш сценарийси бўйича таклифлар;

ҳукуматлараро комиссия мажлислари кун тартиби лойиҳаси ва баённомасига таклифлар.

2. Ташқи ишлар вазирлиги ушбу илованинг 1-бандида кўрсатилган материаллар билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, зарур ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига қуйидаги ахборот-таҳлилий материалларни тақдим этади:

тарихий ва мамлакатшунослик маълумотлари;

мамлакатдаги ички сиёсий вазият;

ташқи сиёсатнинг, шу жумладан Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан асосий йўналишлари, муҳим ҳамкорлар билан ўзаро муносабат, халқаро ташкилотлар ишида иштирок этиш ва улардаги позиция;

Ўзбекистон Республикаси билан дипломатик ва тарихий-маданий алоқалар;

икки томонлама муносабатларнинг мавжуд ҳуқуқий-шартномавий базаси;

парламентлараро алоқалар;

икки томонлама ва кўп томонлама сиёсий ва ҳарбий ҳамкорликнинг ривожланиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2019 йил 23 майдаги ПҚ-4331-сон қарорига  
3-илова

**Хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан савдо-иқтисодий,  
инвестициявий ва туристик ҳамкорлик масалалари бўйича идоралараро  
мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий сиёсатини амалга оширишда, унинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва олға суриш, чет эл инвестициялари ва илғор технологияларини, имтиёзли кредитлар, грантлар ва техник кўмаклашиш воситаларини жалб қилиш, маҳаллий товар ва хизматлар экспорти ҳажмларини ошириш, икки томонлама товар алмашинуви турларини кенгайтириш, чет эллардан сайёҳлар оқимини жалб қилиш, шунингдек, республиканинг транспорт-транзит салоҳиятини оширишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (кейинги ўринларда – масъул ташкилотлар) билан Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари ўртасидаги идоралараро мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик (кейинги ўринларда – идоралараро ҳамкорлик) тартибини белгилайди.

2. Идоралараро ҳамкорликнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари (кейинги ўринларда – хориждаги муассасалар), маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа масъул ташкилотлар орасида биргаликдаги самарали ва тезкор ишни ташкил қилиш;

экспортни жадаллаштириш, аввало тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш, Ўзбекистон Республикасига сайёҳлар оқимини кенгайтириш ҳамда мамлакатнинг транспорт ва транзит салоҳиятини ривожлантириш соҳасида хориждаги муассасаларнинг фаолиятини фаоллаштириш ва такомиллаштириш;

масъул ташкилотлар томонидан чет эллардаги муассасаларнинг ахборот-маълумот таъминотини яхшилаш;

экспортни жадаллаштириш, инвестицияларни жалб қилиш, транспорт ва транзит салоҳиятини ривожлантириш ва сайёҳлар оқимини кенгайтириш борасида ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг мурожаатлари, сўровлари ва лойиҳа таклифларининг масъул ташкилотлар томонидан ўз вақтида ва самарали кўриб чиқирилишини таъминлаш;

маҳаллий товар ва хизматларнинг ташқи бозорларга чиқаришнинг таъсирчан механизмини яратишга қаратилган чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва экспортни жадаллаштириш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, мамлакат иқтисодиётига чет эл инвестицияларини максимал даражада жалб қилиш.

3. Идоралараро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5400-сон Фармонининг 1-иловасига асосан тасдиқланган Схемага мувофиқ амалга оширилади.

## **2-боб. Идоралараро ҳамкорликда масъул ташкилотларнинг асосий вазифалари**

4. Ташқи ишлар вазирлиги мамлакатнинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий йўналишини амалга ошириш ва таъминлашга жавоб берувчи давлат органлари тизимида марказий бўғин ҳисобланади.

5. Идоралараро ҳамкорликда қуйидагилар Ташқи ишлар вазирлигининг асосий вазифалари ҳисобланади:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият стратегияси бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва ташқи иқтисодий йўналишни амалга оширишни таъминлаш;

соҳага тегишли вазирликлар, муассасалар, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ягона ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг самарали амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ва бартараф қилиш;

экспортни жадаллаштириш, инвестицияларни жалб қилиш ва туризмни ривожлантириш учун қулай ташқи шароитларни яратиш бўйича сиёсий-дипломатик чоралар кўриш;

республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришда, Ўзбекистонга чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва сайёҳлар оқимини кучайтиришда амалий ёрдам кўрсатиш;

хориждаги муассасалар, масъул ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектларидан келувчи халқаро иқтисодий вазият, хорижий мамлакатларнинг бозор конъюнктураси тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш, унинг асосида устувор йўналишлар бўйича ташқи иқтисодий манфаатларни илгари суриш бўйича таклифлар тўпламини ишлаб чиқиш;

мамлакатда амалга оширилаётган катта миқёсдаги ислохотлар ва ўзгаришлар, республиканинг экспорт, инвестиция ва туристик салоҳияти тўғрисида холис маълумотларни кенг тарқатиш, шунингдек, дунё рейтингларида Ўзбекистоннинг мавқеини яхшилаш борасида таклифларни ишлаб чиқиш ва мамлакатнинг ижобий имижини мустаҳкамлаш;



хорижий давлатлар, халқаро молиявий институтлар ва ташкилотлар билан ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида хориждаги муассасаларнинг фаолиятини такомиллаштириш, хориждаги муассасалар дипломатик ходимларининг ташқи иқтисодий фаолият бўйича ишини назорат қилиш.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ташқи савдо соҳасида стратегияни шакллантириш ва ягона сиёсатни амалга ошириш ҳамда чет эл инвестицияларини, кредит ва молиявий-техник кўмаклашиш воситаларини жалб қилишни мувофиқлаштиришда масъул орган ҳисобланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг идоралараро ҳамкорликдаги асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари, кредитлар, шунингдек, молиявий-техникавий кўмаклашиш воситаларини жалб қилиш стратегиясини белгилаш;

инвестиция салоҳиятини ривожлантириш, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, мамлакатнинг ишончли инвестицион шерик сифатидаги имижини мустаҳкамлаш ва унинг инвестицион жозибадорлигини ошириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш;

хорижий шериклар билан инвестицион ҳамкорлик йўналишларини ривожлантириш ва диверсификациялаш чора-тадбирларини кўриш;

инвестиция лойиҳалари ва таклифларининг ягона базасини шакллантириш, чет эллик сармоядорларни, шунингдек кредит ва молиявий-техник кўмаклашиш воситаларини излаб топиш ва жалб қилишда ёрдам бериш;

хорижий давлатлар билан ҳукуматлараро комиссия йиғилишлари доирасида тузиш мақсадида қатъий савдо-инвестиция битимлари ва шартномаларининг рўйхати устида ишлашни мувофиқлаштириш ва ишлаб чиқиш (тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда);

тақдимот ва ахборот-маълумот материаллари билан биргаликда сифатли ишлаб чиқилган инвестиция таклифлари ва лойиҳаларнинг паспортларини Ташқи ишлар вазирлигига ва хориждаги муассасаларга тақдим қилиш;

республиканинг ташқи иқтисодий фаолият субъектларига чет эллик инвесторларни қидириш, улар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича лойиҳа таклифлари ва бошқа керакли материалларни тайёрлашда кўмаклашиш;

устувор минтақавий ва тармоқ йўналишлари бўйича республиканинг ташқи савдо фаолияти стратегиясини шакллантириш;

республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, тариф ва нотариф тўсиқларни бартараф қилиш, транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш;

экспорт қилинадиган товарлар (иш, хизматлар)нинг ҳажмини ошириш, турларининг хилма-хиллиги ва географиясини кенгайтириш бўйича вазифаларни амалга ошириш;

чет элларда экспортчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ишбилармон шерикларни қидиришда, шартномалар тузишда, тендер (танлов) савдоларида, ярмарка, бизнес-форумларда ва бошқа тадбирларда ёрдам бериш;

Ташқи ишлар вазирлигига ва хориждаги муассасаларга экспорт қилинадиган товарлар (иш, хизматлар)нинг рўйхатини уларнинг чет эл валютасидаги нархи, техник кўрсаткичлари ва минтақалар кесимида тавсифларини кўрсатган ҳолда тақдим қилиш;

дунё бозорлари бўйича маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот турлари ва номенклатурасини тизимли асосда таҳлил қилиш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт қилинадиган товар ва хизматлари ягона электрон маълумотлар базасини шакллантириш.

8. Туризмни ривожлантириш бўйича давлат қўмитаси туризм соҳасида, мамлакатнинг туристик салоҳиятини тубдан ошириш ва туризмга иқтисодийнинг стратегик соҳаси мақомини бериш сиёсатини амалга оширишни таъминловчи орган ҳисобланади.

9. Идоралараро ҳамкорликда Туризмни ривожлантириш бўйича давлат қўмитасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

туриндустрияни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, шунингдек, устувор чет эл бозорларида туристик хизматларни илгари суриш;

туристик инфратузилмани ривожлантириш, миллий туристик брендни ва туристик маҳсулотларни илгари суриш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш;

туристик бозорларни кенгайтириш ва диверсификация қилиш, туристик ярмаркаларда қатнашишда ва шериклик алоқаларини ўрнатишда миллий туроператорларга ёрдам бериш;

республиканинг тегишли инфратузилмасини ривожлантириш ва илгари суриш бўйича қўшма дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишда етакчи чет эллик туристик компанияларнинг иштирокини таъминлаш;

Ташқи ишлар вазирлигига ва хориждаги муассасаларга мамлакат ҳудудлари кесимида туристик салоҳият тўғрисидаги тақдимотларни ташкил қилиш мақсадида сифатли ахборот (фото ва видео) материалларини тақдим қилиш.

10. Хориждаги муассасалар ўзлари жойлашган давлатда ёки халқаро ташкилотда Ўзбекистон Республикасини ифодаловчи давлат органлари ҳисобланади.

11. Идоралараро ҳамкорликда хориждаги муассасаларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

борган давлатдаги иқтисодий конъюнктурани, иқтисодий тармоқлари ва бозорлар ривожланишининг динамикаси ва тенденцияларини таҳлил қилиш ҳамда экспортни ривожлантириш, инвестицияларни жалб этиш ва туризмни авж олдириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ташқи иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш учун самарали давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

ишбилармон доиралар билан яқин муносабатлар ўрнатиш ва салоҳиятли шерикларнинг манзил маълумотлари базасини кенгайтириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан аниқ лойиҳалар, дастурлар ва келишувларни амалга ошириш бўйича ўзаро амалий ҳамкорлик қилиш;

республиканинг экспорт, инвестицион ва туристик салоҳияти тўғрисидаги маълумотларни тарқатиш, шунингдек, мамлакатнинг ижобий имижини ва дунё рейтингларидаги мавқеини мустаҳкамлаш чора-тадбирларни кўриш.

12. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар:

иқтисодиётнинг устувор соҳаларини ривожлантиришдаги эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда инвестицияларни жалб қилиш, товарлар (иш, хизматлар) экспортини жадаллаштириш, туризмни ривожлантириш соҳасида таклиф ва лойиҳаларни, ишлаб чиқиш;

соҳалар кесимида экспорт, инвестиция ва туристик салоҳиятни ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирларни қабул қилиш;

хорижий шериклар ташаббуси билан бошланган лойиҳалар ва таклифлар, талаблар билан ишлаш ҳолати тўғрисида Ташқи ишлар вазирлигини вақти-вақти билан хабардор қилиш;

хорижий шериклар билан алоқалар ўрнатиш, улар билан аниқ битимлар тузиш орқали идоралараро ҳамкорликни амалга оширишади.

13. Вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ташқи ишлар вазирлиги сўрови билан керакли маълумотларни белгиланган муддатларда тақдим қилиши керак.

Вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари талаб қилинган маълумотларни ўз вақтида тақдим қилмаган тақдирда, Ташқи ишлар вазирлиги масъул раҳбарларга нисбатан интизомий жазо қўллаш масаласини киритишга ҳақлидир.

14. Масъул ташкилотлар идоралараро ҳамкорлик давомида ўз ваколатини белгилаб берувчи қонун ҳужжатларида зиммасига юклатилган бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

### **3-боб. Хорижий шериклар билан лойиҳа ва таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда келишиш тартиби**

15. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва бошқа масъул ташкилотлар ўз ваколати доирасида Савдо-саноат палатаси ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқа субъектлари билан биргаликда чет эллик шериклар билан амалга ошириш мақсадида таклифлар ва лойиҳаларни ишлаб чиқади.

16. Ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган таклифлар ва лойиҳалар Ташқи ишлар вазирлигига юборилади. Мазкур Низомнинг 17-бандида назарда тутилган ҳолларда эса кейинчалик Ташқи ишлар вазирлигини хабардор қилиш орқали улар хорижий шериклар билан ишлаб чиқилган ҳолда тўғридан-тўғри хориждаги муассасаларга юборилиши мумкин.

17. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар қуйидаги ҳолатларда тўғридан-тўғри хорижий муассасалар билан ҳамкорликни амалга оширади, шунингдек, чет эллик шериклар билан пухта ишлаб чиқиш мақсадида ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган таклиф ва лойиҳаларни уларга юборади:

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва бошқа эришилган келишувлар, икки томонлама ҳамкорлик бўйича “Йўл хариталари” доирасида лойиҳа/таклифларнинг амалга оширилишида ёки ишлаб чиқилишида;

олий ва юқори даражадаги расмий алоқалар, шунингдек, ҳукуматлараро комиссия (қўмита ва кенгашлар) йиғилишлари натижалари бўйича эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида.

18. Ташқи ишлар вазирлигига, мазкур Низомнинг 17-бандида назарда тутилган ҳолларда эса, хориждаги муассасаларга юбориладиган таклиф ва лойиҳаларга қуйидагилар илова қилинади:

инвестицияларни жалб қилиш соҳасида – минтақалар кесимида соҳанинг инвестиция, шу жумладан туристик салоҳиятига бағишланган тақдимот (видео ва/ёки слайдлар), тарқатма материаллар (флаер, буклет ва брошюралар) ва бошқа ахборот-маълумот материалларини (мавжуд инфратузилма, лойиҳани амалга ошириш шартлари ва бошқалар тўғрисида маълумот) илова қилган ҳолда сифатли ишлаб чиқилган инвестиция таклифлари ва лойиҳаларнинг паспортлари;

товар ва хизматларнинг (туризм соҳасини ўз ичига олган ҳолда) экспортини илгари суриш соҳасида – чет эл валютасидаги нархини, техник кўрсаткичлари ва хусусиятларини, сифат сертификатини кўрсатиш билан биргаликда тақдимот (видео ва/ёки слайдлар), тарқатма материаллар (флаер, буклет ва брошюралар) ва минтақалар кесимида тармоқнинг экспорт, шу жумладан туристик салоҳиятини намойиш қилувчи бошқа ахборот-маълумот материаллари илова қилинган ҳолда ишлаб чиқариладиган/кўрсатиладиган ва экспортга юбориладиган товар ва хизматлар рўйхати.

Таклифлар ва лойиҳалар ҳамда уларга илова қилинадиган материаллар:

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун – рус тилида;

бошқа мамлакатлар учун – инглиз тилида, ёки зарур ҳолларда бошқа тилларда тайёрланиши лозим.

19. Таклиф ва лойиҳалар мазкур Низомнинг 18-бандида кўрсатиб ўтилган талабларга мувофиқ келмаган тақдирда, Ташқи ишлар вазирлиги, мазкур Низомнинг 17-бандида билан назарда тутилган талабларга мувофиқ келмаган тақдирда эса хориждаги муассасалар, иш тартибида уларнинг камчилигини тўлдириш имконияти бўлмаганда, уларни бартараф қилиш учун ташаббускорларига қайтаришга ҳақли.

20. Ташқи ишлар вазирлиги масъул ташкилотлардан таклиф ва лойиҳалар келган пайтдан эътиборан, қоидага кўра, уч кунлик муддатда (дипломатик почтани жўнатиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда) уларни хорижий муассасаларга юборади.

21. Хорижий муассасалар ушбу таклиф ва лойиҳаларни олгач, зудлик билан уларни хорижий шериклар билан пухта ишлаб чиқишга киришади.

22. Хорижий муассасалар, ташаббус билан берилган таклиф ва лойиҳаларни ҳамда республиканинг масъул ташкилотлари томонидан таклиф қилинган лойиҳаларни хорижий шериклар билан ишлаб чиқиш ҳолати тўғрисида Ташқи ишлар вазирлигига ҳар ой ахборот киритади.

Ташаббускорлар Ташқи ишлар вазирлиги талаби, мазкур Низомнинг 17-бандида назарда тутилган ҳолларда эса хорижий муассасаларнинг талабига биноан чет эллик шериклар билан таклиф ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган қўшимча маълумот ва материалларни тақдим қилади.

23. Мазкур Низомнинг 22-бандида кўрсатиб ўтилган маълумотларнинг хорижий муассасалардан келиб тушишига қараб, Ташқи ишлар вазирлиги мунтазам равишда, аммо ҳар чоракда камида бир марта Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва бошқа масъул ташкилотларни таклиф ва лойиҳаларни кўриб чиқиш ҳолати тўғрисида улар бўйича келишувларга эришилгунига қадар хабардор қилиб боради.

#### **4-боб. Хорижий муассасалар томонидан ташаббус кўрсатилган сўровлар, таклиф ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш тартиби**

24. Чет эллик шериклардан хорижий муассасаларга келиб тушган сўровлар, таклифлар ва лойиҳалар, қоидага кўра, уч кунлик муддатда (дипломатик почтани жўнатиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда) Ташқи ишлар вазирлигига юборилади, мазкур Низомнинг 17-бандида назарда тутилган ҳолларда эса, бир кунлик муддатда ҳаммабоп алоқа воситалари (электрон почта, факс ва бошқалар) орқали бир вақтнинг ўзида Ташқи ишлар вазирлигини хабардор қилган ҳолда тўғридан-тўғри давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга юборилади.

25. Ташқи ишлар вазирлиги хорижий муассасалардан ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар ва чет давлатларнинг ваколатхоналаридан келган сўровлар, таклиф ва лойиҳаларни улар келиб тушган вақтдан эътиборан уч кун муддат ичида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва бошқа масъул ташкилотларнинг ваколатига тааллуқли масалалар бўйича юборади.

26. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва бошқа масъул ташкилотлар, мазкур Низомнинг 17-бандида назарда тутилган ҳолларда эса давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар:

учрашув ва музокараларни ташкил этиш, маълумот ва материалларни олиш билан боғлиқ сўровларни – уч кунлик муддатда;

инвестициялар, молиявий-техник кўмаклашиш воситаларини жалб қилиш, товар ва хизматларнинг экспортини назарда тутган таклиф ва лойиҳаларни – етти кунлик муддатда кўриб чиқади.

Таклиф ва лойиҳаларда кўпроқ даврда кўриб чиқилишини талаб қиладиган масалалар мавжуд бўлган тақдирда, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва бошқа масъул ташкилотлар уч кунлик муддатда бу ҳақда Ташқи ишлар вазирлигини, мазкур Низомнинг 17-бандида назарда тутилган ҳолларда эса, хориждаги муассасаларни кейинчалик хорижий шерикларга маълумот бериш учун хабардор қилади ва бу ҳақда Ташқи ишлар вазирлигига ахборот беради.

27. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва бошқа масъул ташкилотлар:

чет эллик шериклар томонидан ташаббус кўрсатилган сўровлар, таклиф ва лойиҳаларнинг ишлаб чиқилиши ҳолати, шунингдек, кейинчалик уларни амалга ошириш жараёни ҳақидаги маълумотларни Ташқи ишлар вазирлигига ҳар ой киритиб боради;

таклиф ва лойиҳаларни мустақил равишда чет эллик шериклар билан ишлаб чиқади ёки зарур ҳолларда Ташқи ишлар вазирлигидан ёрдам сўраши мумкин.

28. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳар ой Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатасига, Вазирлар Маҳкамаси ва Бош прокуратурасига инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиш жараёни тўғрисида умумлаштирилган ахборотни киритиб боради.

### **5-боб. Хорижий муассасалар фаолиятининг ахборот таъминоти ва мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини илгари суришда уларга кўмаклашиш**

29. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва бошқа масъул ташкилотлар ҳар чоракда хорижий муассасаларни мазкур Низомнинг 18-бандига мувофиқ тақдимот материаллари (видео ва/ёки слайдлар), тижорат таклифлари ва бошқа ахборот-маълумот материаллари билан таъминлайди.

30. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги куйидагиларнинг ягона электрон маълумотлар базасига кириш имкониятини тақдим этиш орқали Ташқи ишлар вазирлиги ва хорижий муассасалар билан электрон шаклда ҳамкорликни таъминлайди:

маҳсулот номи, нархи, етказиб бериш шартлари, сифат сертификатининг мавжудлиги, ўрами, маркаси ва бошқаларни назарда тутган миллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт қилинадиган товар ва хизматларнинг электрон базаси,;

лойиҳа номи, лойиҳа нархи, инвестиция таклифи ва паспортнинг мавжудлиги, ташкилотнинг гектарда кўрсатилган ҳудуди (агар мавжуд бўлса), инфратузилманинг мавжудлиги ва бошқаларни кўзда тутувчи инвестиция таклифлари ва лойиҳаларининг электрон базаси.

31. Масъул ташкилотлар Ташқи ишлар вазирлигининг сўровига биноан маҳаллий товар ва хизматларнинг экспортини илгари суришда, инвестиция ва туристлар оқимини жалб қилишда ёрдам кўрсатиш мақсадида хорижий муассасаларга юқори малакали мутахассисларни қисқа муддатли хизмат сафарига юбориш бўйича таклифларини киритади.

32. Ташқи ишлар вазирлиги ҳар йили 1 февралга қадар масъул ташкилотларнинг таклифлари асосида хорижий муассасалар эҳтиёжига қараб қисқа муддатли хизмат сафарлари режасини тасдиқлайди.

33. Масъул ташкилотлар мутахассисларининг хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар ҳар йили бюджетдан ушбу мақсадлар учун ажратиладиган ажратмалар ёки мазкур ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади.

#### **6-боб. Яқуний қоида**

34. Масъул ташкилотларнинг раҳбарлари ва ваколатли шахслари мазкур Низомга мувофиқ уларнинг зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2019 йил 23 майдаги ПҚ–4331-сон қарорига  
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги  
“Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ишини ташкил этишнинг сифат  
жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ–4136-сон  
қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банддаги “178 нафар” сўзлари “181 нафар” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 1-илованинг рус тилидаги матнида:

а) “Отдел международного сотрудничества” блокадаги “4” рақами “7” рақами билан алмаштирилсин;

б) “216” ва “178” рақамлари тегишли равишда “219” ва “181” рақамлари билан алмаштирилсин.

